

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**6 «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат кор-
хонасининг Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғри-
сида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишлари-
ни ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-
тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сон қарорини ба-
жариш юзасидан ҳамда «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат кор-
хонаси ишининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда ижро этувчи орган
фаолиятини ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини тартибга солиш
мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 апрелдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонасининг Уставига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 5 январь,
4-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 5 январдаги 4-сон қарорига
ИЛОВА

**«Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат
корхонасининг Уставига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2.2-банднинг 2.2.9-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«2.2.9. Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида қимматбаҳо металллар, уран ҳамда уларга йўлдош фойдали қазилмаларга оид геология-қидирув ишларини бажариш».

2. 3.12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.12. Бош директор Кузатувчи кенгаш билан келишган ҳолда Комбинат ходимларининг иш ҳақи миқдорини тасдиқлайди».